

## ЭПИК ҚАҲРАМОН ВА УНИНГ ТАСВИРИ

Ҳамидова Муҳайёхон Обидовна

Филология фанлари номзоди, профессор в.б., Наманган давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7441743>

**Аннотация.** Ўзбек насрчилиги равнақида Шукур Холмирзаевнинг ўрни каттадир. Сабаби, адиб ўз ижодида қаҳрамонларни кенг, эпик қўламда, бадиий жиҳатдан юксак маҳорат билан акс эттириб бера олган ижодкордир. У ўзининг барча асарларида инсон маънавияти билан алоқадор ижтимоий ва ахлоқий масалаларни бутунликда ифодалайди. Уишибу мақолада Шукур Холмирзаевнинг “Кил кўпrik” романни мисолида фикр юритилган.

**Калим сўзлар:** бадиийлик, ёзувчи маҳорати, сўз санъатининг ўрни, романтик бўёқдорлик, тарихий ҳақиқат, бадиий-тасвирий восита, ёзувчининг характер яратши маҳорати, ошкора қатлам, яширин қатлам, шафқатсиз реалистик услуб.

## ЭПИЧЕСКИЙ ГЕРОЙ И ЕГО ОБРАЗ

**Аннотация.** Большое место в развитии узбекской прозы занимает Шукур Холмирзаев. Причина в том, что писатель — это творец, умеющий изображать героев в своем произведении широко, эпически, с высоким художественным мастерством. Во всех своих произведениях он выражает социальные и нравственные вопросы, связанные с духовностью человека в целом. В данной статье на примере романа Шукура Холмирзаева «Кил коприк» рассматривается.

**Ключевые слова:** артистизм, писательское мастерство, роль искусства слова, романтическая живопись, историческая правда, художественно-изобразительный инструмент, писательское мастерство создания образа, открытый слой, скрытый слой, жестокий реалистический стиль.

## THE EPIC HERO AND HIS IMAGE

**Abstract.** Shukur Kholmirzaev has a great place in the development of Uzbek prose. The reason is that a writer is a creator who can portray heroes in his work on a wide, epic scale, with high artistic skill. In all his works, he expresses the social and moral issues related to human spirituality as a whole. This article discusses Shukur Kholmirzaev's novel "Kil koprik" as an example.

**Keywords:** artistry, writer's skill, role of word art, romantic painting, historical truth, artistic-visual tool, writer's character creation skill, open layer, hidden layer, cruel realistic style.

Ҳар бир ёзувчининг дунёни ижодий ўзлаштириш жараёнида орттирган тажрибаси, оламни ўзига хос кўриш, идрок этиш, тушуниш ва тушунтириш йўли бўлади. Ёзувчининг маҳорати, услуби ва тасвирлаш санъати ҳақида фикр юритилганда ҳам, асосан, шу унсурлардан келиб чиқиб иш тутиш зарурати туғилади.

Ҳозирги ўзбек адабиётининг етакчи вакилларидан бири - Шукур Холмирзаев ижоди шу нуқтаи назардан алоҳида диққатга лойиқ. Сабаби, адиб ўз ижодида миллий характерни кенг, эпик қўламда, бадиий жиҳатдан юксак маҳорат билан акс эттириб бера олган ижодкордир.

XX аср ўзбек адабиётини замон ўлчовида шартли равишда уч тарихий босқичга ажратадиган бўлсак, Шукур Холмирзаев унинг сўнгги босқичида сўз санъатимизни янги

савияга күтаришга салмоқли ҳисса қўшган забардаст адибларимиздан бири эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Шукур Холмирзаев адабиёт майдонига кириб келганидан бошлаб ўндан ортиқ ҳикоялар тўплами, тўрт қисса, бешта роман, иккита драма, бир қатор эсселар ва публицистик мақолалар ёзди. Унинг ҳар бир асари, айниқса, ҳикоялари адабиётда бир тўлқин сифатида майдонга келди, десак янглишмаймиз. Бунинг сабаби эса асарларининг ўзига хослигига, табиий романтик бўёқдорлигига, тарихий ҳақиқатни ҳаёт ҳақиқатига мувофиқ сувратлантиришида, қолаверса, воқеликни рамзлар орқали қайта инкишоф килинишидадир. Қаҳрамонлар хатти-ҳаракатининг самимияти ва тийнати, миллӣ, индивидуал хусусиятлар билан йўғрилганлиги ҳам асарларнинг муваффақиятини таъминлаган. У ўзининг барча асарларида инсон маънавияти билан алоқадор ижтимоий ва ахлоқий масалаларни бутунликда ифодалайди. Уни миллӣ қадриятлар ва она табиат билан боғлиқликда очиб беради. Энг муҳими, инсон табиатидаги эзгуликка зид хусусиятларнинг юзага келишининг туб замири тузумнинг ўзи, у жорий қилган муҳит, деган фикрни асарлари орқали илгари сурди. Ана шундай асарлари қаторига “Қил кўприк” романини қўшишимиз мумкин.

Шукур Холмирзаевнинг “Қил кўприк” (1978-1982) романи юртимизнинг мустақилликдан олдинги даври учун ўта мураккаб тарихий ҳодиса саналмиш истиқлолчилик ҳаракати мавзуини XX аср ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб бадиий тадқиқ этишга бағишланган асардир.

Шукур Холмирзаев мазкур романида ҳаёт воқеаларини, зиддиятларини ёритиб берган ва уларга ўз муносабатини билдирган. Кичик-кичик ҳаётий тасвир манзараларида катта-катта муаммоларни қўйган. Ҳаётдан танлаб олган ҳодиса ва воқеаларнинг энг нозик томонлари, ҳарактерли нуқталарни топиб, уларни икир-чикригача тасвирлайди ва бу орқали инсон ва жамият, инсонлар ўртасидаги муносабатни чукур бадиий таҳлил қиласи. Инсонни, қаҳрамонлар кечинмаларини, улар ўртасидаги зиддиятларни, маънавий қадриятларни бор бўйи билан тасвирлайди. Асарнинг бадиийлигини таъминлайдиган биринчи омил сифатида муаллиф ўзини қизиқтирган, ўзига яхши таниш бўлган материаллар ҳақида ёзади.

Ёзувчи асарни ёритишида жуда бой материаллар танлайдики, бу давр руҳини ишонарли қилиб қўрсатишга, воқеаларни аниқ ва ҳаққоний баён этишга имкон беради. Бироқ адабиётда фақат материал йиғиши билан бир асарни яратилаавермайди. “Материал қанчалик бой бўлмасин, у сараланмаса, бадиий идрок этилмаса, шу материал заминидаги улкан ҳаётий ҳақиқатни ифодаловчи моҳият очилмаса, ёзувчининг муваффақият қозониши амри маҳол. Адид бадиий тўқима ёрдамида ижодий фантазиясининг қуввати билан ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантиради”.[12, 315]. Шукур Холмирзаев асарда бунга эриша олган. Унинг асари материални лоқайд баён қилиб берувчи эмас, том маънодаги бадиий асар.

Адид тасвир объекти қилиб олган воқеалар орқали давр руҳияти ҳақида ўзининг мустақил бадиий коцепциясини яратган.

Роман ўта мураккаб бўлган сиёсий муҳитда ёзиб тугалланган. Шундан келиб чиқиб, адид ўз олдига мақсад қилиб қўйган бу ишни амалга ошириш учун мураккаб бадиий усулни танлашга мажбур бўлди. Бу усул қуидагилардан иборат:

Биринчидан, асл мақсадни яшириб, анъанавий романлардагидек асар сюжетини бош қаҳрамонлар Қурбон ва Ойпарчалар ўртасидаги ишқ-муҳабbat тасвирига бағишилагандек ташқи тасаввур уйғотади.

Иккинчидан, романда тасвириланадиган воқеа-ходисаларни икки қатламли қилиб жойлаشتариради:

- а) бош қаҳрамон Қурбоннинг ҳаёти тасвириланган ошкора қатlam;
- б) ана шу бош қаҳрамоннинг фаолияти даврида кўзи билан кўрган, қулоги билан эшигтан воқеа-ходисаларни ичига оловчи яширин қатlam.

Биринчи қатламни адаб анъанавий романлардагидек, барча бадиий воситаларни тўла қўллаган ҳолда тасвиirlаса, иккинчи қатламга мутлақо аралашмайди. Бу ишни ўқувчининг ақл-фаросатига қўйиб беради—ўзбек китобхони зукко, топқир, диди нозик деб билади адаб, яъни муҳим ишорани дарҳол илғаб олиш қобилиятига эга.

Биринчи қатлам фикримизча, кўнгилдагидек яхши чиқмаган бўлса-да, иккинчи қатлам муаллифни моҳир, тасвирига яширин маъно жойлай оловчи носир даражасига кўтаради. Айнан мана шу иккинчи қатлам воситасида шу пайтгача барча қора бўёқларни бемалол кўтариб юрган эшон ва босмачи образларини - Эшони Судур ва Иброҳимбек кўрбоши мисолида китобхонлар меҳрини қозона оладиган даражадаги ижобий қаҳрамонларга айлантириб қўяди.

Учинчидан, ёзувчи мавзуу ва даврнинг қалтислигини назарда тутиб, кўпгина нозик масалаларни бош қаҳрамон Қурбоннинг назари орқали ҳал этади. Асарда муаллифнинг мавқеи деярли кўзга ташланмайди ёки атай сир тутилади.

Тўртинчидан, анъанавий салбий типга киритиб келинган эшон ва босмачиларни Эшони Судур ва Иброҳимбек мисолида кўрсаца ҳам, уларнинг бирортасига салбий хатти-ҳаракат қилдирмайди. Натижада ҳар иккаласи қадамма-қадам ижобийлашиб бораверади.

Шундай қилиб, адаб анъанавий ижодий жараёнда учрамайдиган мана шу каби бадиий усууллардан унумли фойдаланиш орқали нозик мавзуда ёзилган асарни ундан ҳам қалтисроқ сиёсий тузум чиғириғидан омон-эсон ўтказиб олади, роман алоҳида китоб шаклида 1984 йилда босилиб чиқади.

Роман тезда илмий жамоатчиликнинг эътиборини ўзига жалб этади. Шу боис асар ҳақида кетма-кет мақолалар эълон қилинади.

Роман ҳақида дастлаб ўз фикрини эълон қилган олимлардан бири И.Ғафуров “Инқилоб ҳамиша ҳаракатда” (1984) номли мақоласида асарни анча синчиклаб таҳлил этади ва ижобий баҳолайди. Жумладан, асарнинг бош қаҳрамони Қурбон ҳақида шундай сатрларни битади: “Унинг Иброҳимбекка ҳам, Эшони Судурга ҳам, Анвар пошшога ҳам, бошқа галаларга ҳам фақат уларнинг кўнглига йўл топадиган ўз муомала йўсини бор. У Иброҳимбекнинг қайси биқинидан борса, унга кўпроқ ёқиши, ишончига киришини аллақандай теран ҳиссиёт билан англаб етади. Қурбон шунинг учун ҳам лашкари ислом раҳнамоларининг ичига мойдай сингиб, улар эътибори ва ишончига киради. Бу ғоятда мураккаб жараён кўз ўнгимизда ишонарли тарзда рўй беради. Ёзувчи Қурбоннинг ички руҳий ҳаёти, шиддат билан ўзгараётган шароитга мос беҳад бой кечинмаларини интенсив чизиб боради. Мушкул шароитларда иккиланаётган, жумхурият тақдири билан боғлиқ воқеалар, сўзлар, нозик хатти-ҳаракатларнинг мағзини чақаётган, энг тўғри - бирдан-бир тўғри йўлни қидираётган Қурбоннинг кечинмалари бизни ҳам ўз ғалаёнли стихияси ичига

тортиб кетади. Шунда ғоятда оғир ва чигал ҳаётий жараёнлар бадий тасвирда кўзимизга табиий, ўзи худди шундай бўлиши керакдай туюлади” [14, 313-314].

Олимнинг бу фикрлари романнинг кейинги саҳифаларида бир неча бор ўз тасдигини топишининг гувоҳи бўламиз.

Академик М.Қўшжонов ҳам романни жиддий таҳлилдан ўтказади: “Шукур Холмирзаев инқилоб тарихига мурожаат қиласкан, Садриддин Айний, Ойбек, Яшин сингари устозлари анъанасига риоя қиласди: масъулиятни сезган ҳолда қўлига қалам олади. У Садриддин Айний ва Яшиндан кейин Бухородаги инқилобий ҳаракатни акс эттироқчи бўлди. Романда Шукур Холмирзаевнинг ўзига хослиги қўпроқ унинг ижод услубига боғлиқ. Гап шундаки, Садриддин Айний инқилобий ғояларни қўпроқ тарихий воқеалар мағзидан келтириб чиқаради. Шукур Холмирзаев эса инқилобий ҳаракат тасвирини тарихий воқеаларни ҳам ҳисобга олган ҳолда, асосан, тўқима образлар фаолиятидан, психологик кечинмалардан келтириб чиқаради. “Қил кўприк” асарининг асосий қаҳрамонлари Қурбон ва Ойпарча. Қурбон ўқимишли ёшлардан. Бухоро мадрасаларида таҳсил қўрган Эшони Судурга шогирд тушган. Эндиликда инқилобий ҳаракатга қўшилиб, янги ҳаёт учун курашмокда. Ойпарча бойнинг қизи. У Қурбонга кўнгил қўйган. Ёзувчи бу икки ёшнинг муҳаббати тасвирига анча кенг ўрин ажратади. Бироқ романда бу асосий масала эмас. Энг муҳими, икки куч – инқилобчи ва аксилинқилобчилар орасидаги кураш ва бу жараёнда намоён бўлган икки томон вакилларининг кечинмалари”[13,368].

Олимнинг “Қил кўприк” романини Айний, Ойбек, Яшин каби буюк сўз санъаткорларининг асарлари билан бир қаторга қўйиб қиёслаши ва романнинг ўзига хос томонларини лўнда ва аниқ жумлаларда қўрсатиб бериши ҳам илмий таҳлил, ҳам асарга берилган юқори баҳо саналади.

Академик М.Қўшжонов ўз ишида миллий маънавиятга бағищланган саҳифаларга ҳам ўқувчининг эътиборини жалб этади:

“Муҳаббат изҳори акс эттирилган саҳифалар адабиётимизда қўп. Узоққа бормасдан Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романларини эслайлик. Бу асарлардаги муҳаббат изҳори қўпроқ сирли имо-ишоралар, қўз қарашлари, бир-бирларига қўрсатилган илиқ муносабатлар орқали зуҳур топади. Булар-ку моҳир адиллар, дейлик. Улардан ёшроқ адиллардан бири Шукур Холмирзаевнинг “Қил кўприк” романидаги бир эпизодни эслайлик. Асар қаҳрамонларидан бири Қурбонбой Ойпарча таклифига асосан учрашади. Бу ҳам биринчи учрашув. Ойпарчанинг Қурбонда кўнгли бор. Қурбон ҳам бепарво эмас. қоронғи кечада ийманишлару, узун-юлуқ сўзлар билан бир оз давом этган суҳбатдан кейин уй томон кетишаپти. Йўл текис эмас. Қурбон кетидан келаётган Ойпарчага “у ердан юринг, бу ердан юринг”, деб йўл қўрсатади. Қиз итоаткорлик билан Қурбон кўрсатган йўлдан юради. Мана, манзилга етгандан кейин Қурбон хаёлига келган ўйлар: “Ёнгоқ остига етгунча ҳолат яна ўзгарди: Қурбон қизнинг ўзи айтган жойидан юраётгани учун қувона бошлади. У ... қиз эса энди ичидан яширин завқланар, йигит ўзи учун қайғураётгани унга ёқар эди” [4, 500].

Икки ёшнинг бир-бирига бўлган муносабатидаги бундай шарқона назокат ҳақиқатан ҳам таҳsingа лойиқ.

Академик Б.Назаров Шукур Холмирзаев ижодига яна-да жиддийроқ, яна-да чуқурроқ, яна-да қамровлироқ муносабатда ёндашади. У адилга баҳо беришни устоз-шогирдлик муносабатидан бошлайди:

“Шукур Холмирзаев Абдулла Қаххордан сўз тежаш, деталларга катта маънолар юклаш, қаҳрамон рухиятида кечаётган зиддият, тўқнашувларни содда ва ҳаётий қилиб, ихчам тасвиrlаш, диалоглардан жонли манзара яратиш сирларини ўрганди. Бироқ бу таъсирни фақат ташқи кўринишдан изламаслик керак. Бу таъсирни қаҳрамонлар руҳий дунёсини акс эттиришдаги бадиий принциплар муштараклигидан изламоқ керак” [4, 508].

Шукур Холмирзаевнинг ижодий принципларини Абдулла Қаххордек талабчан сўз санъаткорининг принциплари билан қиёслашни адибнинг бадиий маҳоратига юксак баҳо бериш деб англамоқ лозим.

Қурбон назаримизда ортиқча бир куч сарфламай истиқлолчиларнинг ишончига кириб бораётгандай туюлади. Бунинг сирини ўйлай бошлаймиз. Ўша ишончга кириб боришнинг, ўз одами бўлиб кетишининг оддий, лекин энг муҳим сири Қурбоннинг ажиб тенгсиз самимиятида бўлса керак. Бу – ақлли, тадбиркор, ўзини ошкор қилмайдиган самимият. Иккинчидан, бир-биридан мураккаб воқеалар ва зиддиятли шахслар қуршовида турган йигитда аста-секин ички таҳлил қуввати пайдо бўлади. Унинг “ичидаги онг” бир зум ҳам фикрдан тўхтамайди. Ана шу таҳлиллар Қурбонни муваффақият қозонишга олиб келади. У жумҳуриятга сотқинлик қилган шахс - Усмонхўжа Пўлатхўжаев эканлигини аниқлашга ва ўз вақтида қизилларни огоҳлантиришга муваффақ бўлади.

Шу билан Қурбон образининг вазифаси тугамайди. Қурбоннинг иккинчи вазифаси ҳам бор. У адибнинг ижодий фаолиятига ҳам ёрдамлашади. Адиб учун кузатади, эшитади, хулосалар чиқаради, истиқлол ғояларини туғдиради. Шу йўл билан у муаллифни хукмрон мафкура посбонлари ҳужумидан асраб қолади.

Тадқиқотчилар Шукур Холмирзаев асарларининг бадиий савиасини юқори баҳолашади. Жумладан, филология фанлари доктори Ш.Дониёрова шундай фикрни илгари суради: “Шукур Холмирзаев ҳикоялари ўзига хос ифода усулларига, тасвир оҳанги, ритмicasи билан ҳам эътиборлидир. Ёзувчи фикрини қисқа ва лўнда ифодалашга одатланган. Унинг тенгдошларидан У.Назаровда “тушунтириш” услуби, Ў.Хошимовда “руҳий ҳолатни тасвиrlаш” устуворлик қиласи. Шукур Холмирзаев услубида ўринсиз пауза, воқеалар тавсифида кераксиз узилишлар йўқ. Бу ҳодиса рус адабиётида А.П.Чехов, ўзбек адабиётида Абдулла Қаххор ижодида кузатилган эди” [1, 16].

Умуман олганда, Шукур Холмирзаевнинг ҳикояларида ҳам, бошқа йирик жанрларда яратилган асарларида ҳам турли-туман бадиий-тасвирий воситалар ўз ўрнида ва жуда муваффақиятли қўлланилганининг гувоҳи бўламиз. Бу эса Шукур Холмирзаев асарларининг бадиий жиҳатдан юксак бўлишини таъминловчи асосий омиллардан биридир.

Шукур Холмирзаев талабчан адиб. Шунинг учун ҳам у асардан асарга ўсиб бораркан, ўзининг бадиий маҳоратини ошириш борасида тинмай изланди. “Бадиий маҳорат тушунчаси анча кенг, мураккаб, салмоқли мазмунни қамраб олади, бироқ бу мазмун моҳиятини ёритишга энди киришиляпти. Бордию бу соҳадаги ишларимиз авж олиб, кенг миқёсда давом эттирилса, сўз санъатининг асл маъносини очишга, бадиийлик қадр-қимматини янада оширишга эришардик, бу борадаги бракларга тўқсинглик қиласидик. Таҳлилда ғоя билан образнинг уйғунлигини таъминлаш жуда қийин, лекин шарафли вазифа ва бу вазифани муваффақият билан адо этган мунаққид мақсадига етади, келажак заминини яратади”[9, 160].

Адабиётнинг бошқа соҳалардан тубдан фарқ қиласиган бир жиҳати борки, унда миқдор ҳар доим ҳам сифатни белгилайвермайди. Чунки шундай ёзувчилар ҳам бўладики, улар ўнлаб романлар яратса-да адабиёт оламида ўзига хос эътиборли ўринни эгаллай олмайди. Аксинча, бир ёки бир неча роман ёзиб китобхонлар оммасининг севимли адибига айланган ёзувчилар ҳам кам эмас. “Қил қўприк”, “Сўнгти бекат”, “Йўловчи”, “Олабўжи” каби романлари билан китобхонлар қалбидан муҳим ўрин олган Шукур Холмирзаев шу гурухга мансубдир.

Шукур Холмирзаев ижодида, хусусан, романларида инсонни бадиий тасвирлаш тамойилларини кузатар эканмиз, адиб қаҳрамон маънавий қиёфасини энг олдин унинг портретида акс эттиришини кўрамиз. Ёзувчи ҳар бир қаҳрамон қиёфасида бирор ҳаётий ҳодиса ва воқеани, кишилардаги бирор фазилат ёки ножӯя хатти-ҳаракатни кўрсатиш, уни тўлиғича очиб беришга ҳаракат қиласи ва бунга эришади ҳам. Адибнинг романларидағи қаҳрамон портретини кузатиш орқали ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Шукур Холмирзаевнинг асарларида эпик қаҳрамон ва унинг портрети хусусида қўйидаги хulosаларга келдик:

1. Ёзувчи ўз асарларида асосан тарихий шароитнинг бадиий талқинига жиддий этибор беради. Чунки XX аср боши истиқлолчилик ҳаракати тарихини чуқур билмасдан туриб, миллий қаҳрамонлар образини акс эттириш мумкин эмас. Шунинг учун адиб тарихий, айниқса, мазкур мавзу асосида яратилган асарларни, ҳужжатларни батафсил ўрганган. Ҳаттоти, бу йилларни ўз кўзи билан кўрган, шоҳиди бўлган инсонлар билан учрашиб, сухбатлашган. Бу эса тарихий ҳақиқатни реал тасвирланишига, ҳаёт ҳақиқатини янада ишонарли бўлишидан ташқари, умуман, асарлар бадииятига ҳам ўз ҳиссасини кўшган.

2. Албатта, ҳар бир инсон ўзи яшаётган муҳит билан боғлиқ ҳолда ҳаракатда бўлади. Шароит инсоннинг ҳарактери такомилида унинг шахс сифатида шаклланишига сабаб бўлади. Шукур Холмирзаев ижодида қаҳрамонлар ҳаётига, ҳарактери ривожига таъсир қилган, уларнинг ана шундай миллий қаҳрамон сифатида машҳур қилган бир қатор ишонарли эпизодлар мавжуд. Ёзувчи ана шу эпизодлардан уларнинг руҳиятини, фаолиятини акс эттиришда кенг фойдаланади.

3. Шукур Холмирзаев асарларининг қаҳрамонлари, айниқса, миллий қаҳрамонлар маънавий қиёфасининг ўзбеконалиги билан ажralиб туради.

4. Адиб миллий қаҳрамонларини кўп ҳолларда шафқатсиз реалистик услубдан келиб чиқиб тасвирлайди.

## REFERENCES

1. Дониёрова Ш. Шукур Холмирзаев ҳикояларининг бадий-услубий ўзига хослиги: Филол. Фанлари номзоди... дисс. автореф. - Тошкент, 2000. - Б.16.
2. Каримов X. Ҳозирги ўзбек насрода ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси (70-80-йиллар): Филол.фанлари д-ри... дисс.- Тошкент, 1994.-320 б.
3. Каримов X. Шукур Холмирзаев. Ижодий портрети.- Тошкент: Қатортол-Камолот, 1999.-80 б.
4. Каримов Н. ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи.- Тошкент: Ўқитувчи, 199.- 544 б.
5. Тоғаев О. Идрок ва ижод: Адабий-танқидий мақолалар.- Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982.- 416 б.
6. Тоғаев О. Қаҳрамон ижтимоий ҳодиса: Адабий-танқидий мақолалар.- Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985.- 190 б.
7. Холмирзаев Ш. Қил кўприк: Роман.- Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984.-384 б.
8. Худойберганов Н. Сўз курашга чорлайди.- Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978.- 154 б.
9. Худойберганов Н. Ўз дунёси, ўз қиёфаси: Адабий ўйлар.- Тошкент: Ёш гвардия. 1986.- 208 б.
10. Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979.- 464 б.
11. Шарафиддинов О. Адабиёт-ҳаёт дарслиги. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982.-96 б.
12. Шарафутдинов О. Ҳақиқатга садоқат.- Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988.- Б. 315.
13. Қўшжонов М. Ўзбек романчилигининг ривожланиш босқичлари ва жанрлар // Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 1-жилд. - Т.: Фан, 1991.- Б. 368.
14. Faurov I. Ўттиз йил изҳори. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1987.- Б. 313-314.